

ХРОНИКА

КЕЛАЖАК ЎЗ ҚҰЛІМИЗДА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарори юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2014 йил 18 январдаги 22-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Роман-герман филологияси факультети немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси ва ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази билан биргаликда профессор-ўқитувчилар учун “Замонавий дарслик яратишнинг тамойиллари” мавзуисида ўтказилган ўқув-услубий семинарига ЎзДЖТУ ва турдош ОТМлардан ўқитувчилар таклиф этилди. Семинардан кўзда тутилган асосий мақсад, Ўзбекистон Олий ўқув юртлари Германистика йўналиши талабалари учун ЎзДЖТУ ва Вена университети профессори Карен Шрамм ва ўқитувчи Аннемария Притхард-Шмит ҳамкорлигига 1-босқич талабалари учун “Немис тили” дарслигини яратиш, чет тили дарсларида бадиий адабиёт ва фильмлардан унумли фойдаланиш, CEFR талабларига асосланган, талабаларда ўқиб тушиниш, эшитиш ва ёзиш, ҳамда гапириш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган.

ЎзДЖТУ ректори Ф. Раҳимов билан келажакдаги ўзаро ҳамкорлик түғрисида давра сухбати бўлиб ўтди. Шунингдек, Австрия томонидан эълон қилинадиган илмий грантларда иштирок этиш ва икки томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан ЎзДЖТУ ҳузуридаги Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика



www.journal.fedu.uz

ЎзДЖТУ ректори Ф. Раҳимов билан келажакдаги ўзаро ҳамкорлик түғрисида давра сухбати бўлиб ўтди.

Шунингдек, Австрия томонидан эълон қилинадиган

илмий-амалий маркази директори У.Азизов билан ўзаро фикр алмашилинди. Келажакда ЎзДЖТУ ва Вена университети ўртасида ўзаро хамкорлик алоқаларини кучайтириш борасида келишиб олинди.

Ўқув-услубий семинарда қуйидаги масалалар мұхокама қилинди:

1. Замонавий дарслик яратишнинг тамойиллари
2. СЕФР асосида дарслик яратиш
3. Аутентик матнлар ва дарслик тили
4. Ўқитиши материаллари ва уларнинг таҳлили
5. Адабий матнлар билан ишлаш
6. Ёзма матнларнинг ўзлаштирилиши ватайёрланиши

Семинар давомида кафедра ўқитувчилари қуйидаги мавзулар юзасидан тақдимотлар ўтказиши:

- ❖ Menschen und Persönlichkeiten
- ❖ Nationale Identität Usbekistan, DACH
- ❖ Essen und Trinken
- ❖ Gesundheit
- ❖ Familie
- ❖ Bildung und Erziehung
- ❖ Land- und Stadtleben
- ❖ Freizeit und Sport
- ❖ Kommunikation und Technologie

Семинарнинг сўнгги кунида иштирок этган профессор-ўқитувчиларга сертификатлар топширилди.

Ф.Ф.н. Соҳиба Абдуллаева

Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири